

# АССАЛОМ, НАВРЎ ЎЗИ ОЛАМ!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил  
19 март  
ШАНБА  
№ 22  
(12.346)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz



Ҳар йили Наврўз нафаси сезила бошлаши билан Оҳангароннинг бепоён қир-адирлари кўкдам либосига бурканади. Туманнинг узоқ-яқин қишлоқларида истиқомат қилувчи табиатан беғубор, очиккўнги ва серзавқ одамлари Наврўз танта наларини вилоятда биринчи бўлиб бошлаб берадилар, десак муболага бўлмайди.



## БЕҒУБОР КЎНГИЛЛАР ЗАВҚИ

Яқинда "Ўзбекистон" телеканалнинг "Бир ўлка..." кўрсатуви ижодкорлари мажбурият билан бўлиб, Қорахитой қишлоғи ахлининг Наврўз сайлида иштирок этдилар. Қишлоқ одамларининг Наврўз байрами билан боғлиқ эзгу аъналаридан илҳомланган ижодкорлар кўрсатувнинг махсус байрам сонини суратга олдилар.

рамдир, — деди кўрсатув муаллифи, журналист Фарҳод Бобожонов. — Аҳдларимиз минг йиллардан бери бу кунни эзгулик, бағрикенглик, саховат ва муруват ифодаси сифатида нишонлаб келганлар. Икки кун давомида оҳангаронликларнинг байрам сайилларида, меҳмондўст хонадонларида тайёрланган сумалак дошқозонлари атрофидаги тонгтар гурунларда иштирок этиб, бу ерда халқимизнинг миллий қадрият ва урф-одатлари алоҳида қадр-қиммат топиб, янада сайқалланиб бораётганига гувоҳ бўлдик.

тонгдан Қорахитой қишлоғи яқинидаги адирда бошланган шодиёна кечга қадар давом этди. Унда туман ва вилоятимиз фольклор-этнографик гуруҳлари Наврўз қадриятлари билан боғлиқ дастурларини ижро этишди. Туман ўсмирларининг миллий халқ ўйинлари, спорт беллашувлари, варрак учирш мусобақалари, шунингдек, узоқ-яқиндан келган моҳир чавандозлар иштирокидаги улоқ барчанинг кўнглига ҳақиқий байрам нашидасини олиб кирди.

Одам борки, хонадонимни яшнатсам, юртимни гулга буркасам, мевазор ва тоқзорлар барпо этсам, деган ният билан яшайди. Хусусан, бизнинг "Абдушуқуров" хусусий корхонамиз жамоасининг орзу-мақсади шундай.

## КУЧОҒИНГИЗ ГУЛГА ТЎЛСИН

Тадбиркор Ҳамиджон Шуқуров раҳбарлигида етиштирилаётган мева ва манзарали дарахт кўчатлари шу Наврўз кунларида кўча бўйлари ва кенг майдонларга экиляпти. Россия ва Европа мамлакатларидан олиб келинган ўн хил арчалар ҳам қишлоқларимизга кўркамлик бағишлайди.

фахрийлари, ота-оналаримиз, опа-сингилларимиз калбига қувонч, бир олам шукх бағишламоқда. Мустақиллик шарофати билан турмушимиз гўзаллашиб, қишлоқларимиз обод бўлиб бормоқда. Мен ҳам минг-миглаб тенгдошларим, дугоналарим — обод ва фаровон Ўзбекистон фарзандлари қатнашаётганимдан бахтиёрман.

Тоҳир Содиков қурган 0,36 гектар майдондаги иссиқхонада 19 хил атиргул ўстирмоқда. Янгила-ниш ва гўзаллик байрами арафасида биз етиштирган атиргул дасталари меҳнат

Комила ХУСАНОВА, Ўртачирчиқ туманидаги "Абдушуқуров" хусусий корхонаси гулчиси.

## КУЙЧИРЧИҚ ТУМАНИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЎРТА ЯНГИ ОБЪЕКТ НАВРЎ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛАДИГАН БЎЛДИ.

**ТУҲФА**  
Булар Дўстобод шаҳри, Машраб маҳалласидаги ошона ва кафе биноси, Кўрғонча қишлоғи фуқаролар йиғини "Осиё гулдас-таси" масъулияти чекланган жамиятига қарашли кийим тикши цехи, Тошовул қишлоғидаги "Улуғ-Жаҳон-Барақа" масъулияти чекланган жамиятига қарашли қоғозкартон ишлаб чиқариш цехи, Галаботир қишлоғидаги врачлик пунктлари-рив. Шоаббос ХАМРОЕВ.

## САЛОҲИЯТЛИ ЙИГИТЛАР — ЭЛИМИЗ ФАХРИ

Чирчиқ шаҳар мудофаа ишлари бўлими томонидан ўтган йили ҳарбийга қақририлиб, муддатли ҳарбий хизматни Сурхондарёдаги ҳарбий қисмлардан бирида ўтаган Абдор Аҳроров кўнглик аскарлар қатори уйига — ота-онаси бағрига қайтди.

Унинг дала-ўқув машғулотларида фаол иштирок этиб, "Жанговар тайёргарлик аълочилиси" кўрак нишонига, ўтказилган тест синовларида юқори балл тўплаб, олий ўқув юр-тига имтиёзли равишда ўқишга кириш ҳуқуқини берадиган тавсияномага эга бўлган барча яқинларини қувонтирди.

Унинг заруриятини янада теранроқ англадим, — дейди А. Аҳроров. — Миллий армиямиз мен учун ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлди. Эндиги мақсадим — олий ўқув юрти талабаси бўлиш ва жамият учун зарур касбни эгаллашди.

## ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИДАГИ 10-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА "БАЛЛИ, ҚИЗЛАР" КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ.

**БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!**  
Тадбир мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси доирасида ташкил этилди.

Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти

### ЗАНГИОТА ТУМАНИ

#### МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Халқ таълими бўлимига қарашли 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби миллий кураш усталари "Умид ниҳоллари — 2011" мусобақаларининг вилоят ҳудудий босқичидан муваффақиятли ўтишди.

Чиноз шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларда мезбонлардан ташқари Янгийул, Оққўрғон, Куйичирчиқ ва Зангиота туманлари ёш спортчилари голиблик учун кураш олиб боришди. Зангиоталик полвонлар 5 та олтин, 2 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритди.

Шохрух ҲАКИМОВ.

### КУЙЧИРЧИҚ ТУМАНИ

#### БИТИРУВЧИЛАРГА ИШ ТАЙИН

Агросаноат касб-ҳунар коллежида туман прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, ички ишлар бўлими ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

22 та корхона ва ташкилот ярмаркада 105 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. 98 фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланма ва 36 фуқарога малакали маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, олий ўқув юр-лари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилардан 10 кишига ишга жойлаштириш учун имконият яратилди. 64 фуқаро 9 та фермер хўжалигига ишга жойлаштирилди.

Шотурсун ҲАЛИЛОВ.

### ЧИНОЗ ТУМАНИ

#### ОНА КАФТИДАДИР БУТУН БИР ОЛАМ

2-умумтаълим мактабида "Оналарга эҳтиром" мавзусида тадбир ўтказилди. Ўқувчи қизларнинг ўз қўллари билан тайёрлаган зардўзлик, хунармандчилик намуналари иштирокчиларга гўят манзур бўлди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар оилада оналарнинг ўрни, аёлларнинг юрт, Ватан равақига қўшаётган ҳиссалари ҳақида фикрлашишди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

### ОБОДОНЛАШТИРИШДА ФАОЛ КИМЁГАРЛАР

Олмалиқ шаҳридаги "Аммофос Максам" корхонасининг барча цех ва участкаларида Наврўз байрами муносабати билан ишчи қондилар ўз худудларини янада ободонлаштиришди.

790 тул гул ва 2482 тул дарахт кўчатлари экилиб, 15 минг 794 тул дарахтларга ишлов берилди.

Шокир АЛИЕВ.

### ҲАР ГЎШАДА БИТТА БОҒ

Зангиота туманидаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар, фермер хўжаликлари, маҳаллаларда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш давом этмоқда.

Бугунгача жами 702 минг 232 тул кўчат экилиб, шундан 131 минг 917 тул мевали, 240 минг 480 тул манзарали. Шунингдек, 319 минг 834 дона терак ва 10 минг дона ток қаламчалари ҳам кадалди.

Севара ЗИЯБОВА.

# ЭНГ АЗИЗ ВА ЭНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМ

Айни дамларда гўзаллик фасли – баҳорнинг ажиб таровати диёримиз бўйлаб ёйилмоқда. Сулув келинчак – Кўклам она заминимиз

узра ям-яшил сөгини поёндоз қилиб, нафис латофатини кўз-кўз этмоқда. Бу – янгилаш, яшариш байрами Наврўзи олам келганидан дарак.

## КЎКЛАМНИНГ КЎРКАМ ТУҲФАСИ

Зотан, шу кунларда Зангиота тумани Келес шаҳарчаси «Кўктерак» маҳалласининг мунис онахонлари, соҳибжамол оила-сингиллар дошқозон атрофида йиғилишмоқда. Тўкин дастурхон. Унда ҳар хил баҳорий таомлар, кўксомса, чучура-ю ҳалимлар, яна турли-туман бир-бирдан ажойиб ширинликлар бор. Аммо, уларнинг ичида энг шохонаси энди пишади.

Етмиш ёшни қаршилаш арафасида турган Мунаввар ая Ҳақимова хайрли иш бошлаб, маҳалла аҳлини хонадонига чорлади.

– Сумалак сайлини уюштиришдан мақсад азалдан авлодлардан ажодларга мерос бўлган

қадриятларимизни сақлаб қолиш, ёшларимизга кўрсатиш, – дейди «Кўктерак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Тожибоева. – Қолаверса, сумалак одамлар ўртасидаги аҳиллик мустаҳкамлашишига, Ватанга муҳаббат, урф-одат ва қадриятларга ҳурмат янада ошишига, меҳроқибат каби фазилатлар чуқур илдиз отишига замин яратди.

Дарҳақиқат, бугун қўлларни-қўлларига тегмай, қозон атрофида кўймаланаётган аёлларнинг юзларидаги табассумни кўриб, тинч ва осуда ҳаётимиздан мамнулик нишонасидир бу – дегимиз келди.

– Шу кунларга етказган нига шукр, – дейди Мунаввар ая қўлларини дуога очиб. – Муस्ताқил юртимизда фарзандларимизнинг фаровон ҳаёт нашидасини сураётганларига қараб қувонаман. Энг катта бахт ҳам уларнинг эмин-эркин ўйнаб-қулиб юришларини кўриш бўлса керак. Сумалак сайли ҳақиқий ўзбекона байрамга айланди. Турли лапар ва айтишувлар ўйин-кулгуга уланди. Уй эгасининг кенжа келини «Келин салом» қилиб, барчани хушнуд этди.

**ИРОДА НОРБоеВА,**  
**«Тошкент ҳақиқати»**  
**муҳбири.**  
**Даврон АҲМАД**  
**олган сурат.**



# ТЕЖАЛГАНИ – НАҚД БОЙЛИК

дейди доно халқимиз.  
Бу нақд замирида ҳикмат кўп

Ўйлаб кўрайлик, агар ҳар йили қишлоқ ҳўжалик тармоғида сарфланаётган ёнилғи-мойлаш ашёларининг лоақал бир фоизи тежаб қилинса, у неча минг тонна бўлади? Агар бу ашё пулга чакилса, республика иқтисодиёти қанча моддий манфаат кўради?

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ёнилғи-мойлаш ашёларини пала-партиш ишлатиш ва исроф қилиш оқибатида қишлоқ ҳўжалик техникаларининг кўплаб қисмлари барвақт ишдан чиқадики, бу ҳам ортиқча, керакисиз сарф-харажатларга сабаб бўлади.

«Ўздавнефтегазинспекция»нинг вилоят бўлими Чиноз туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари учун ўтказган семинар-йиғилиши айнан шу долзарб масалага бағишланди. Бу беҳиз эмас. Кейинги кунлардаги қор ва совуқни ҳисобга олганда, кўклам аллақачон ўз ҳукмини ўтказишига киришди. Қиш ичи даласини соғинган деҳқонлар дала-тузни экин-тикинга тайёрлаш тадорини кўра бошлаганига анча бўлди. Энди экин майдонларини бошдан-оёқ текислаб, тартибга келтирадиган техника ва махсус механизмлар ҳам бирин-кетин далага олиб чиқилапти. Шу нуқтаи назардан «Ўздавнефтегазинспекция» вилоят бўлимининг семинар-йиғилиши айни вақтида ташкил этилди десак муболага бўлмайди.

Тадбирда Тошкент ирригация ва мелiorация институти «Ресурстехмакор техника ва технологиялар» илмий-муаммоли лаборатория мутахассислари, Чиноз туман ҳокимлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди. Семинарда ёнилғи-мойлаш ашёларидан оқилана фойдаланиш, тежаб-терғаб ва технология жиҳатдан тўғри ишлатиш омиллари ҳақида гап борди.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, сўнгги вақтларда қишлоқ ҳўжалигида механизацияланган ишларнинг кўпайиши натижасида энергетика воситаларига талаб кучаймоқда, – дейди «Ўздавнефтегазинспекция»нинг вилоят бўлими бош технологи Р. Қомилжонов. – Фермер ҳўжаликлари ва саноат корхоналаридаги аҳолига назар солсак, кўп жойларда ёнилғи-мойлаш ашёларини тежаб амалиёти, техникалардан тўғри фойдаланиш уларни ишлатётган механик-ҳайдовчиларнинг маълум қисмига бевосита боғлиқ эканлиги кўга ташланади. Ёнилғи-мойлаш ашёларини сақлаш, ташини ва қўйиш чоғида техник талабларга қатъий риоя қилиш уларни тежаб ва исроф бўлишига йўл қўймаслигининг асосий шартидир.

Мутахассиснинг бу сўзларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агар ёнилғини сақлаш талаб ва қондаларига тўғри риоя қилинмаса, у турган жойида ҳам ортиқча бўлиб, беҳуда исроф бўлиши мумкин. Айтилик, агар ёнилғи сақлаш идишлари охиригача тўлдирилмаган бўлса, буғуни кўпайди. Демак, аввал бир идишдаги ёнилғини охиригача тугатиб, сўнг иккинчи-

сини очган маъқул. Бензин буғланганда унинг таркибидagi ёнилғи ўт олдирувчи фракция ҳавога учиб кетади. Натижада бензиннинг детонацияга турғунлиги сусаяди, двигателнинг ўт олиши қийинлашади. Оқибатда унинг кўп деталлари ортиқча емирилади ва бу ҳам ноўрин сарф-харажатларга олиб келади.

Маълумки, ёнилғи сақланаётган идишларнинг иситиш буғулашишни кучайтиради. Демак, буғулаши даражаси ёнилғининг қарда ва қандай сақланаётганига боғлиқ. Ҳатто, идишнинг рангига қараб ҳам буғулашиш кўпайиши мумкин. Масалан, қора рангга бўялган бўлса, 1,24 фоиз, қизил рангда 1,14, кулрангда 1,03, металл рангидида 0,83 фоиз.

Бундан ташқари идиш иситиш вақтида, ёнилғи оксидланиши ва таркибидида смолалар бирикмадан ҳосил бўлиб, двигател цилиндрини курум босади. Бу эса унинг қизиб кетишига сабаб бўлади. Натижада, моторнинг таъмирлаш оралиғи 20-30 фоиз қисқаради ва ёнилғи сарфи 6-8 фоиз кўпаяди.

Тракторларга бевосита далада ёнилғи қўйилаётганда унинг муайян қисми йўқотилаётгани ҳам кўпчиликка маълум, – дейди «Ресурстехмакор техника ва технологиялар» илмий-муаммоли лаборатория директори Ш. Имомов. – Ёнилғини махсус шланглар воситасида қўйиш мақсадга мувофиқ. Оқиб ҳолда ёки челақлаб қўйилса, 4-6 фоиз ёнилғи исроф бўлади. Умуман, трактор ва автомобильларда ёнилғи қўйишдаги уқувсизлик ва бепарволик оқибатида 10 фоизгача маҳсулот беҳуда йўқотилади.

Семинар-йиғилишда яна бир қизиқ ҳолат таъкидланди. Қишлоқларда тракторлар қиялликлар тепасига чиқариб қўйилганини кўпчилик кўрган. Бунинг сабаби шунки, тракторчи уни қиялликдан пастликка йўналтириб, двигателни ўт олдиради. Оқибатда ҳали қизиб улгурмаган моторнинг айрим қисмлари емирилиб, барвақт ишдан чиқади. Бунинг устига ёнилғининг ортиқча сарфланишига олиб келади.

Шунингдек, экинларга ишлов беришда қўланиладиган механизмлар носоз бўлса ёки улар тракторларга тўғри тиркалмаса ҳам ёнилғи сарфи кўпаяди. Жумладан, гўзага ишлов бериётган культиваторнинг тишлари ўтмаслашган бўлса, ёнилғи сарфи 30 фоизгача ортади.

Қўриқдаги таҳлиллардан ҳулоса чиқариб айтиш жоизки, механик-ҳайдовчилар ўзлари бошқараётган техникаларнинг доимо соз бўлишини таъминлашлари лозим. Техник талабларга оғишмай амал қилаётган бундай жонқуяр механик-ҳайдовчилар меҳнати лозим даражада рағбатлантириб борилиши зарур. Аксинча, ўзларига бириктирилган техника воситаларига бепарво муносабатда бўлиб, носоз-носоз ҳолатида пала-партиш ишлатётганларга нисбатан лозим даражада чора кўриلسа, ёнилғи-мойлаш ашёларини ортиқча сарфлаш ва беҳуда исроф қилишларга чек қўйилади, албатта.

Самат йўлдош.

## ХАЛҚ АЙЁМИ

Кунлар илиб, баҳор шабадаси эсиши билан деҳқоннинг кўни тугиб, далаларда қизгин иш бошланади. Шу Наврўз кунлари халқимизнинг ўлмас адабий-маънавий мероси – «Авесто»даги ушбу қуйма сатрлар кўнгилларга куч-ғайрат бағишлайди: «Деҳқон уруғ сочоди, ризқ эшигини очоди».

Наврўз – Марказий Осиё халқларининг гоят қадимий байрами бўлиб, янгилаш, гуллаб-яшнаш фаслини бошлаб беради. Илк баҳор кунлари деҳқонлар далаларда экин-тикин ишларини бошлаб, янги йил ҳосилига дастлабки заминни яратишга киришади. Бу анъана йиллар ва замонлар оша боқиб сақланиб, айниқса, мустақиллик йилларида янги-янги таъйинлар, удумлар билан бойиммоқда. Ҳаётимизга ўзгача жўшқинлик, фойз-барак бағишламоқда.

Бу йил ҳам Наврўзани ўзгача руҳ, хушнуд кайфият билан кутиб оламиз. «Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига – 20 тўлдан кўчат» шiori унга алоҳида кўтаринкилик бағишламоқда. Хар бир қишлоқ, хар бир маҳалла, хар бир хонадон бу кўтлуг умумхалқ ҳаракатидан четда қолмаслик ниятида. Бу сазй-ҳаракатларга галла парварилар, чигит экинга тайёргарлик ишлари қўйилиб, умумхалқ меҳнат байрами ўзгача шуқуқ касб этаяпти.

Узимиздан мисол. Шу кунларда 35 гектар майдондаги Бугдой гуриқаб ўсапти. Уни озилантириш баробарида пахта экинладиган майдонларни тайёрлаб қўйди. Экин агрегатлари эртиндин иш бошлашга шай бўлиб турибди. Тўпроқ етилиши билан ерга чигит тушади. Уни беҳато ундириб олсак, марра бизники. Мақсадимиз – мўл ҳосил етиштириш. Умуман, шу Наврўз кунлари 78 гектар майдондаги бог-роғларимиз, далаларимизда иш қўзғин.

Шухрат НИЁЗОВ,  
Фермер,  
Оққўрғон тумани.

Бугунги ҳур замонамизда хар бир киши ўз тақдирининг чинакам соҳиби бўлди. Давлатимиз ўғилдир, қиздир, фарзандларимизга билим бериб, улар маълум бир касбларни эгаллаб, комил инсонлар бўлиб воя-

га етишлари учун барча шароитларни яратяпти. Хар ким ўз малакаси, идроки ва орзу-ҳавасига қараб меҳнат қилиши, ўз тақдирини ўзи яратиши учун ғамхўрлик қилаяпти.

## МЕҲНАТИМ БАХТИМ МЕНИНГ

Шу кўтлуг Баҳор байрами – Наврўзи олам кунлари мамлакатимизда, айниқса, хотин-қизлар учун яратилган имкониятлар нечоғлик катта эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Узимдан, оиламиздан мисол. Мен «Максам-Чирчик» очик акциядорлик жамиятига қасаначиман. Бу корхонанинг доверғи, таъбир жоиз бўлса, етти иқлимга машхўр. Унинг цехлари ва замонлар оша боқиб чикариш участкаларида юзлаб аёллар меҳнат қилишади. Мен ҳам улардан қолишмай, корхона ошхоналарига қишлоқ ҳўжалик махсулотлари етказиб бериш билан шуғулланибман. Оила аъзоларим бўш вақтларида экин-

ларни парвариллашда менга кўмаклашишади. Кўклам келиб, дала ишларимиз айниқса юришиб кетди.

Корхонамиз мен сингари ўнлаб хотин-қизларга уй шароитида меҳнат қилиш учун имконият яратиб берган. Қасаначилар кимегарлар учун кўлқоп ва бошқа иш қийимлари тикишда ҳамда турли буюртмаларни бажаришади. Шу тариқа биз қўшимча даромад топиб, хонадонларимизга фойз-барак киритаяпмиз.

Умуман, Чирчик шаҳри корхоналари, транспорт ва курилиш ташкилотларида хотин-қизларни қасаначилик йўли билан меҳнат қилишга жалб этиш кўламлари кен-

гайиб борапти. «Ўзбеким-ёнаш», «ЎзКТЖМ», «Трансформатор», шунингдек, йўловчи транспорт корхоналарида шу йўл билан янги иш ўринлари очиб ҳаракати кучаймоқда.

Шу қувончли байрам кунлари эмин-эркин меҳнатимиз билан рўзгоримиз тўкин, турмушимиз мазмунли бўлиб бораётганидан мамнулик ҳиссини янада чуқур ҳис қилмоқдамиз. Барча қасаначиларни Наврўз байрами билан чин қалбдан кўтлаяпман!

**Кизлархон**  
**АБДУСАЛОМОВА,**  
**«Максам-Чирчик» очик**  
**акциядорлик жамияти**  
**қасаначиси.**



## КЎҲНА ВА НАВҚИРОН

Тошкент давлат техника университети «Ўзбекистон тарихи ва ҳўқўқ асослари» кафедраси ҳамма Янгийўл академик лицейи жамоаси ҳамкорлиги ва ташкилчиллигида профессор-ўқитувчилар, талаба-ўқувчилар иштирокида «Ассалом, Наврўз!» адабий-бадий мусиқали кеча ўтказилди.

Тадбир давомида сўзга чиққан университет профессор-ўқитувчилари ва талабаларнинг Наврўз байрами тарихи, у билан боғлиқ анъаналарнинг ўзига хос хусусиятларига оид лавҳалар, ушбу кўҳна халқ байрамининг турмуш тарзимиздаги, комил инсонлар шаклланишидаги ўрни ҳақидаги фикрлари адабий-бадий кеча мавзуси билан уйғунлашиб борди.

Кечанинг бадий қисми талабалар ихросидаги Наврўз билан боғлиқ удумларимиз, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган сахна кўринишлари, қўшқилар техника университети талабалари ва Янгийўл академик лицейи ўқувчиларининг жозибали рақсларига уланиб кетди.

Адабий-бадий кеча давомида ТошДТУда ишлаб, пенсияга чиққан меҳнат фахрийлари – профессор-ўқитувчилар билан талаба ва ўқувчиларнинг етук мутахассис, хар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишлари мавзусига қаратилган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

**Хасан АБДУНАЗАРОВ.**

# T L Z

TOSHKENT LOK-BO'YOQ ZAVODI

барча юртдошларимизни янгилаш ва яшариш айёми – Наврўзи олам билан чин юракдан кутлайди. Меҳнатсевар халқимизга узок умр, эзгу ишларида омад ёр бўлишини, мустақил диёримиз янада обод ва ҳаётимиз бундан-га фаровон бўлишини тилайди.

## T L Z Доимий сифат!

## КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жорий йилнинг 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хариллари тизимини оптималлаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унда товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш бўйича давлат буюртмаларини олишга кичик бизнесни жалб этиш кенгайтирилди.

Давлат буюртмалари асосида товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш бўйича ўтказилган тендер ва танлов савдоларида йўл қўйилган хар бир қонунбузилишлар юзасидан Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали иш кунлари 09.00 дан 18.00 гача бўлган вақтда Назорат-тафтиш бош бошқармасига мурожаат этишингиз мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазирлиги**  
**200-50-50,**  
**Тошкент вилояти**  
**200-60-60.**

## ЖИДУНЁ

**ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИ 16,6  
МИНГ КИШИГА ЕТДИ**

Японияда 8,9 магнитуда куч билан содир бўлган ер силкиниши ва у келтириб чиқарган шунами туфайли 16,6 минг киши ҳалок бўлди ва безарак йўқолди.

AFP агентлиги мамлакат ҳукумати 18 март кўни эълон қилган маълумотларга таяниб шу хабарни тарқатди. 11 март кўни юз берган табиий офат натижасида Хонсю оролидаги Иватэ, Мияги ва Фукусима музофотлари қаттиқ вайронгарчиликка учради. Ун минглаб уйлар бузилди, ярим миллионга яқин киши бошпанасиз қолди.

Зилзила оқибатида Фукусимадаги АЭСда авария юз берди. «Фукусима-1» АЭСдаги иккинчи энергоблокда портлаш содир бўлди. Реакторларни совутиш тизими ишдан чиқди. Учта реакторда ёниги эрий бошлади. Атрофдаги ҳавода радиация даражаси кўтарилди. Авария ҳолатидаги АЭСга ҳаводан сув пуқаш бошланди. Шикаст этган энергоблокларга ҳам ўт ўчириш машиналари ёрдамида сув қўйилди. Япония Атом энергияси агентлиги 18 март кўни ҳаводаги радиация меъёри пайсаганини эълон қилди.

Ўнлаб мамлакатлар, шу жумладан Россия ҳам табиий офат оқибатларини бартараф этиш юзасидан ўз ёрдамини тавсия этди ва фавқуллода вазиятлар вазирлиги кўтарувчиларини Японияга жўнатди.

## ТИКЛАШГА 150 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

Американинг 3М корпорацияси Японияда юз берган зилзила оқибатларини қайта тиклаш учун 50 нал 150 миллиард долларгача маблағ зарур дея баҳолади.

Bloomburg агентлигининг ёзишча, агар сарф-харажат ҳақиқатан ҳам 150 миллиард долларга етадиган бўлса, Япониядаги бу ер силкиниши келтирган зарар Мексика кўрфазни киргоғидаги шаҳар ва қишлоқларни вайрон этган «Рита» ва «Катрина» довуллари этказган зарардан ҳам ошиб кетади. Ундада АКШ ҳукумати довуллари зарарини 70-130 миллиард доллар даражасида баҳолаган эди. Бундан аввал AIR Worldwide компанияси

ҳам Япониядаги вайронгарчиликлар оқибатида сугурталанган 14,5-34,6 миллиард долларлик мулк йўқотилганини маълум қилган эди. Цунами келтирган зарар бу ҳисобга кирмаган.

Хулоса қилиб айтганда, бу галги зилзила Япония тарихидаги энг кучли ва катта вайронликлар келтирган табиий офат дея баҳоланмоқда.

## ТРИПОЛИ: «МАМЛАКАТ БИРЛИГИГА ТАҲДИД»

Ливия ҳукумати раҳбарлари БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг Муаммар Қаддафига созиқ ҳуудаларга ҳаводан зарба беришга йўл қўйилган қарорини «Мамлакат бирлигига таҳдид» деб атади.

АФП агентлиги тарқатган ушбу хабарга қараганда, Ливия ташқи ишлар вазирини ўринбосари Халид Қайм Ҳавфсизлик Кенгаши мажлисидан сўнг шундай баёнот билан чиқди. Унинг гапига кўра, бу қарор ливияликларни бир-бирларини ўлдиршига қаҳиради.



зи шаҳрида Ҳавфсизлик Кенгашининг қарори муносабати билан оммавий байрам бошланди, деб хабар тарқатди «Ал-Жазира» телеканали.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

# Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси

## жамоаси вилоят аҳолисини

# Наврўз шодиёнаси

билан чин қалбдан қутлайди.

**Ҳар бирингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик,  
оилаларингизга осуда ҳаёт, ҳамжихатлик,  
бахту саодат тилайди.**

**Эзгу ниятларингиз ва орзу-ҳавасларингиз  
бекаму кўст ижобат бўлсин!**

**Миллатимиз ва мамлакатимиз номи асрлар оша  
мағрур жаранглаб, дунё халқларининг  
ҳавасини келтираверсин!**

# ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ

жамоаси



барча юртдошларимизни,  
Вилоятимиз аҳолисини кириб келаётган

# Наврўзи олам

билан самимий муборакбод этади.  
Мамлакатимизнинг дунё микёсигаги  
обрўси, шон-шухрати янада ошаверсин!

Халқимизнинг тинчлик ва  
таракқиёт ўлидаги қадамлари  
бунданга салмоқли бўлсин!

Истагимиз, ҳар гўшага  
байрам таровати ҳукм сурсин!  
Кўнғиларга фараҳбахш орзулар,  
истикболли умидлар ҳамроҳ бўлсин!

### Республика кўп тармоқли Агрисаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Паркент тумани СИБ томонидан 15.10.2010 йилдаги № 11-1024/20017-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Паркент шаҳри, Навоий кўчасида жойлашган АЖ "Паркент пароб" корхонасига тегишли бўлган қурилиш тугалланмаган пех биноси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 50 818 128 сўм. 1. Аукцион савдосига Сирғали тумани СИБ томонидан

17.02.2011 йилдаги № 5635/9-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Қўйлиқ 5-мавзеда жойлашган, 4 янги хонадан иборат, умумий майdonи 111.96 кв.м.дан иборат 2 қаватли биноси (омборхона) қўйилмоқда, бошланғич нархи — 187 500 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 20.09.2010 йилдаги № 10-1013/11528-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент

шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 13-мавзе, 1-А уйда жойлашган МЧЖ "MUR-ARK" корхонасига тегишли бўлган, умумий майdonи 400 кв.м.дан иборат 2 қаватли биноси (омборхона) қўйилмоқда, бошланғич нархи — 187 500 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 11.01.2011 йилдаги № 1091/22-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек

тумани, Луначарекос шоссе кўчасида жойлашган, 3 янги хонадан иборат бўлган 103-уй, 112-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи — 89 396 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 23.11.2010 йилдаги № 33062-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Янги Сирғали кўчаси, 3-уй Автомажмуа ҳудуди, 1/1 қаторда жойлашган, майdonи 18 кв.м.дан

иборат М. М. Хашимовга тегишли бўлган 19-сон пикорат дўхони қўйилмоқда, бошланғич нархи — 42 200 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Яққасарой тумани СИБ томонидан 15.10.2010 йилдаги № 1-5538-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор 13-мавзеда жойлашган 3 хонадан иборат, майdonи 63,95 кв.м. бўлган 15-уй, 36-хонадон қўйилмоқда, бошланғич

нархи — 59 000 000 сўм. 1. Аукцион савдосига Пискент тумани СИБ томонидан 20.09.2010 йилдаги ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Келовчи қ.ф.и, Бўстон участкаси, Гулзор кўчасида жойлашган, умумий фойдала майdonи 357,80 кв.м. бўлган 42-уй-жой (хонадон) қўйилмоқда, бошланғич нархи — 110 556 156 сўм.

№	Туман ижро бўлими	Модел	И/ч. й.	Л/р.	Бош. нархи	Сақланаёт. мазмун	Ижро варақ. ва савдос
1	Чиноз тумани СИБ	Газ-330214	2003	X 067 OCN	24 646 000	"Чиноз малубот инвест"	09.03.2011 й. № 660 а
2		Газ-33029	-	-	4 904 063	"Чиноз оқ той" корхонаси	24.06.2010 йилдаги № 5468
3		Маз	2007	11 AF 701	7 225 272		
4		Победа Газ-20	1954	30 R 1956	10 277 873		
5		Маз	2001	11 AI 095	4 967 375		
6		Мишбус 23,9	2001	11 AO 277	12 985 886		
7		Мишбус 23,9	2001	11 AO 344	19 738 547		
8		Мишбус 23,9	2001	11 AO 160	7 565 690	"Янги Чиноз кўрғони"	
9		Мишбус 24,9	2002	10 273 AAA	32 784 658	Автохезмат хўраси	
10		Мишбус 24,9	2001	11 AO 338	7 565 690		
11		Мишбус 24,9	2001	11 AO 349	7 565 690		
12		Мишбус 24,9	2001	11 AO 356	5 043 794		
13		Мишбус 24,9	2002	10 119 VAA	32 784 658		
14		Мишбус 24,9	2001	11 AO 278	5 043 794		
15		Мишбус 24,9	2001	11 AO 357	27 740 864		
16		Мишбус 24,9	2001	11 AO 339	7 565 690		
1	Анрен шаҳар СИБ	Тик	1997	11 Y 2851	7 360 000	Анрен шаҳар ИИБ	25.11.2010 й. № 1196/10
2		Тик	1999	11 J 9517	8 164 000	Бўстон жарима майdonчаси	25.11.2010 й. № 19594
1	Бекобод тумани СИБ	Нексия	2009	10 J 921 CA	14 154 169	Ешлик ХХСК	11.02.2011 й. № 1720
2		Газ 330210	1996	10 K 463 VA	8 858 264		01.02.2011 й. № 461
1	Қўйилган СИБ	2 ПТС 4793 А-03	2009	йўқ	7 008 000	УК Арвин Савло	14.10.2010 й. № 8853
2		Урал мотопикл	-	йўқ	160 000		24.11.2010 й. № 10322
3		Урал мотопикл	-	йўқ	150 000		07.09.2010 й. № 7834
4		Volkswagen-Jetta	1986	X059 CAN	5 390 145		08.11.2010 й. № 9779
5		Ауди 100	1982	30 S 22 36	4 141 187		
1	Янгийул тумани СИБ	Ваз -11193-110-250	2007	10 L 781 AA	15 000 000	Кичик ҳалқа йўли 6 а	21.07.2010 й. № 15163/10
1	Шайхонтоҳур тумани СИБ	Ваз -111930-110-20	2007	30 A 2571	14 832 640	Тошкент шаҳар ИИБга қаратилган "Автохўтов сервис" ж. майл.	18.02.2011 й. № 3190/6

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 21 апрель кунин соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 12 май кунин бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз. 2011 йил 7 апрель кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қўйилган қўйилмоқда: 1. Чилонзор тумани СИБ томонидан 02.03.2010 йилдаги № 9245/22-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гавҳар кўчаси 10-сонли жарима майdonчасида сақланаётган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, дав.белгисиз бўлган "ДЭУ РЕЙ-СЕР" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 4 643 801 сўм. Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 10.08.2010 йилдаги № 9567/1-сон ижро ҳужжатига асосан, 1998 йилда и/ч., дав.бел. 01 Q 768 AA бўлган "Тик" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи — 4 710 200 сўм. Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан Ешлик ХХСК корхонаси омборида сақланаётган қўйилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 04.10.2010 йилдаги № 15145-сон ижро ҳужжатига асосан, 1996 йилда и/ч., дав.бел. 11 U 7698 бўлган "Газ 330210" русумли автотранспорт воситаси, бош.

нархи — 12 353 424 сўм. 2. 14.10.2010 йилдаги № 17572-сон ижро ҳужжатига асосан, 1986 йилда и/ч., дав.бел. 11 K 3293 бўлган "Камаз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 29 137 500 сўм. 3. 14.10.2010 йилдаги № 17572-сон ижро ҳужжатига асосан, 1981 йилда и/ч., дав.бел. 10 Z 238 AA бўлган "Зил 133 ГР" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 20 497 500 сўм. 4. 14.10.2010 йилдаги № 17572-сон ижро ҳужжатига асосан, 1981 йилда и/ч., дав.бел. 10 R 639 AA бўлган "Камаз 53212" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 28 890 000 сўм. 5. 14.10.2010 йилдаги № 17572-сон ижро ҳужжатига асосан, 1978 йилда и/ч., дав.бел. 11 I 2685 бўлган "Камаз 5320" русумли автотранспорт воситаси, бош.

нархи — 24 493 500 сўм. 6. 14.10.2010 йилдаги № 17572-сон ижро ҳужжатига асосан, 1990 йилда и/ч., дав.бел. 10 A 245 VA бўлган "Камаз 53212" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 31 905 000 сўм. Аукцион савдосига Анрен шаҳар СИБ томонидан қўйилган қўйилмоқда: 1. 11.06.2009 йилдаги № 11-0906/8905-сон, 11-0922/8158-сон ва 11-0909/10115-сон суд буйруқларига асосан, Тошкент вилояти, Анрен шаҳри, Навоий кўчасида жойлашган "Исеқлик манбаи" корхонасига қаратилган бўлган "Нисания база" тараж бино ва ишпоотлари, бош. нархи — 109 891 093 сўм. 2. 22.04.2009 йилдаги 11-0909/3751-сонли ҳал қилив қарорига асосан, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Увак қ.ф.и., Гулбод қишлоғи

ҳудудида жойлашган "Нептун плюс" МЧЖга тегишли 4 қаватли поликлинника биноси, бош. нархи — 373 662 554 сўм. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда "Шарқли Мелиса" жарима майdonчасида сақланаётган қўйилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 03.09.2010 йилдаги № 1-612/10-сон ижро варақасига асосан, 2008 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. ЛТЗ-60 АБ-10 бўлган трактор воситаси, бош. нархи — 30 257 100 сўм. Ушбу савдоларда қатнашини учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда,

РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ино-теска банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойинга чиқиб тинишни мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кўмонди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: ДВ 001 № 000003.

Янгийул туманидаги 31-урта мактаб томонидан 1994 йилда Савлимова Гулмира Турсимбековна номига берилган № 455219 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олмазор тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "СНУҚУРСОЙ ТАУОРОЛ" МЧЖнинг таркибидан "SOBIR ULUG'BEK BARAKA" МЧЖ ажралиб чиқишини ва устав фонди 77 936 652 сўмдан 66 059 180 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Олмазор тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "RESPUBLIKA URUSH VA MENHAT FAXRIYLARI PANSIONATI" номига берилган статистика гувоҳномаси, далолатномаси ҳамда устави йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сирғали тумани ҳокимлиги ТСРҲИ томонидан рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тадбиркор Эргашов Иброҳим Раҳмонович номига берилган думалок муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Янгийул туманидаги 31-урта мактаб томонидан 1994 йилда Савлимова Гулмира Турсимбековна номига берилган № 455219 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КЎКЛАМ ЧЕЧАКЛАРИ



СОВҒА

бўлиб кетди. Беихтиёр аёл томон юрдим. Олинг, ака, - деди у тоғорачасини менга яқин келтириб, - кеннойимга совға қиласиз. Унинг гапи менга таъсир қилди. Умримда ҳеч кимга гул тортиқ этдимми? Ҳа, ёшлик пайтлари бўлган эди. Учрашувлар, соғинч ва изтироблар. Орадан шунча йиллар ўтиб кетибди. Энди гул совға қилиш... Ҳаёт шундай экан. Беихтиёр қўлимни бинафшага узатдим. Аёл жилмайди. - Кеннойимни бир хурсанд қиласиз, шекилли. Пулни тўлаб нари юр-

дим. Сўнг ёлғиз қўшни кампирнинг ҳар кунги ўйчан чехраси кўз олдимга келди. Ишдан қайтаётсам, яхши келяпсанми болам, дейишларини эсладим. "Уни бир суюнтирсам-чи", деган ўй ўтди хаёлимдан. Ортимга қайтиб, боғия аёлга рўпара келдим. - Ҳа, ака, - деди у. - Яна кимга олмоқчисиз? Айтдим. - Олинг, албатта, олинг. Бу бир умрга эсдалик бўлиб қолади. Узимда йўқ хурсанд бўлиб, пул узатдим. У эса жилмайди: - Бу мендан ўша она-хонга совға!

КУЧ

Кечаси ухлай олмади. Аттанг, ер ҳали етилмаган, зах деб уч-тўрт кунни ўтказиб юборди-я. Даласи уни соғиниб ётгандай, кўксига офтоб теккач, ховури кўтарилгандай? Эрта тондаёқ бостирма бўғотидаги кетмонни олди. Нону қанд-қурсларни рўмонга тугди. Гурс-гурс юриб дала томон кетди. - Ассалому алайкум, далажон, - деди етиб келиб, - Мени кечирасан, сени соғинтириб қўйдим. Дала вазмин-вазмин нафас оларди. - Баҳорга тайёрган, деҳқон бува. Бу сенинг ҳаракатинг, сенинг меҳнатинг натижаси. Деҳқон ангашиб бир қисм тупроқ олди - майин, кумоқ, Демак, яхши боқибди ерни. Семириб, барака уругини кутаяпти. Олисларга боқди. Ер бир текис. Гўё улкан гилам тўшалгандек. Деҳқон бошини танғиди. Белбоғини маҳкамор боғлади. Кетмон кўтариб, ариқ олди. Кечгача ишлади, лекин ажаб - чарчамади. Кўкси тўлиб нафас олди. Ер унга куч бергандек эди.

ИШОНЧ



Кампир оғир ётарди. Бир кеча тушида олис болалиги, опасико отасини кўрди. "Энди кетсам керак, - деди у тақдирга тан бериб, - омонатни топшираман, шекилли". Болаларини йиғди, ваъсият қилди. - Салкам тўқсон йил яшадим, - деди у, - шухр, шундай кунларга етиб келдим. Армоним йўқ. Ўғил-қизлар кўзига ёш қуюлди. Гарчи ўзлари аллақачон бува ва буви бўлсалар ҳам онаизорларини йўқотдилари келмас, узи ҳаётларини тасаввур қила олмасдилар. Ярим кечада келган дўхтир маъносиз бош чайқади: "Қайдам...". Дорилар таъсириданми, кампир уйкуга кетди. Фарзанду неваралари

унинг тепасида тонг отиришди. Хаёллари минг бир кўчага кириб чиқди: "энди нима қиламиз?" Тонг оқарди. Кечаси билан ёққан ёмғир тинди. Осмонда юлдузлар кўринди. Кампир кўзларини очди. Кўкка боқди. Мовий осмон кўнглини кўтариб юборди. Мусичалар куккулди. Ҳар йил келадиган қалдирғоч айвон бурчагида гир-гир айланди. - Мени айвонга олиб чиқинг, - деди кампир, - баҳорга ҳам етиб келдик, шекилли. Уни айвонга кўчиришди. Орқасига ёстиқ қўйишди. Енгил-енгил нафас ола бошлади. Ховлига қараб, чаман очилган гунафшаларни кўрди. Уч-тўрт кун ўтгач, оёқка турди. Эварасининг суннат тўйига атаб тикаётган, анча вақт чала қолиб кетган духоба кўрпачани тиззасига олди. - Энди ўлмайман, - деди жилмайиб, - Ахир баҳор келди-ку.

ИРОДА



Ҳали баҳорга бор эди. Кўклам эчилари бўлиш лола-ю, бинафшалар очилмаганди. Кишнинг аччиқ изгирини эсарди. "Ҳа, киш-да, - дейишди одамлар, - ҳақини кўймайди ҳали". Кечагина сал илиган ҳавода ташқарида юрган болалар яна уй-уйларига, иссиқ хоналарига беркинб олишди. Қушларнинг оқшомдаги чуғури тингандек эди. Деразамга нимадир шивиллаб урилди. Уйбондим.

Тонг отибди. Хонам одатдагидан ёришган, гўё кенгайгандек туюлди. Ташқарига боқдим. Ҳамаёқни оққа бўяб қор ёғибди. Дераза ортидаги кичкина майдончага қарадим.

Майсалар кечагина ямийил бўлиб қолганди. Совуқ олмасмикан? Синчиклаб назар ташладим. Ва бирдан кўзим тугмачадек думалоқ қоқилуғла тушди. Кўнглим яйраб кетди. Шамол изгиринлардан, қор-ёмғирлардан кўркмай "Ассалом, эй ҳаёт!" деб адл турарди. Деразани ланг очдим. Баҳор ҳавоси ёпирилиб кириб келди. Атроф файзли, гўзалликка тўлиб борарди. Абдусаттор ҲОТАМОВ.

ОДАМ САВДОСИ

«Беш юз долларга СОТАМАН»

Чирчиқ шаҳрида туғилган 3 ёшли қизалоқ Карина ҳали ҳаёт аччиқ-чучугини тушунмайди, яхши-ёмоннинг фарқига бормайди. Лекин, ўз онаси Галинанинг иссиқ бағри, қайноқ меҳри етишмаётганини яхши ҳис этса керак. Унинг тилларини эндигина "ойи", "дада" дейишга чоғланаётганда 20 ёшли Галина қизчасини эмас, ўз хузуур-халовати, хою-хавасини ўйлаб, узоқларга кетишга чоғланди. У отаси Анатолий Штефан, ўғай онаси ва унинг кизига ўз жигарпорасини ташлади-ю, кетди. Ҳали она исига тўймаган қизалоқ, кечаю-кундуз зор-зор йиғлаган, уни излаган, кўмсаган бўлса ажаб эмас. Бағритош она норасида гўдакнинг уволига ўчради, ишқилиб, кетганига йил тўлмай, бевақт ўлим уни ўз гирдобига тортиб кетди. - Қизимни ўлдириб кетишибди, - дейди ота ўзини оқлаб, - Эссизгина, неварагинам етим бўлиб қолди. Аслида, неварагинасига ачинап-тимикан-а? Ахир қизчанинг чехрасидан ўз қизи боқиб турганини наҳотки сезмайдди. Ахир дилбандининг бир бора ўлгани етмайди, баргитош отага! Йўқ, таъбир жоиз бўлса, "Ўз пуштикамарининг кушандаси" бўлган ота, аввало тураржойини, кейин набирасини пуллаш ташвишига тушиб қолди. Бу воқеа



албатта, ҳар кимга ҳар хил таъсир этиши маълум. Ўзини, ўзлигини, обрўсию қадрини билганлар учун бу ҳодиса тубанликдан бошқа нарса эмас. Зеро, оила муқаддас, оила табарруқ. Аммо, оиласи, ота-онасидан тузуқ-қуруқ тарбия кўролмаган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган қизнинг қадам олишини назорат қилиш у ёқда турсин, гўдагини ташлаб кетишига йўл қўйиб берган ота энди норасида гўдакни пулламоқчи. Шунинг учун унинг оғайнилари, танишлари ҳам аяб ўтиришмади. Унинг олди-сотдиси баҳона танишиб қолган Жадра исми аёлга невараси Каринани сотиш ҳақида айтганида у хайрон бўлди: - Яхшиси фарзандаг зор бирор оилага бермайсанми, қиз қилиб олишарди. - Йўқ, менга пул керак, қарзларим кўп, - деди у. - 500 долларга

сотаман! Жадра бу гапни таниши Камол ўрмоновга етказди. У Жадранинг онасига қўшни. - Ярамас, бу "одам савдоси" дейилади - деди у нафрат билан. - Воқеани керакли жойга айтиб, таъзирини бериш керак. Аҳмоқ, ахир тирноққа зор одамлар бор-а! Лекин, Анатолийга бу гаплар қор қилмади. Неварасини алоҳида яшайдиган қайсидир хотинига ташлаб қўйиб, ҳатто хабар олмайдиган бувадан яна нимани кутиш мумкин? Шундай қилиб, Каринани сотиб олмақчи бўлган "харидор" топилди. Комил кўрсатилган манзилга, Чирчиқ шаҳар 3-микрорайондаги кўп қаватли уйлардаги хонадонга етиб келди. - Бунча ширин бу қизалоқ, - деди Комил Каринани қўлга олиб, - Нима учун неваранингиздан воз

кечмоқчисиз? - Пул билан боғлиқ муаммоларим бор, - деди Анатолий хўмрайиб. - Узингга нима учун бола керак бўлиб қолди? - Бизнинг фарзандимиз йўқ. - Унда 500 долларни қўзиб қўй! - Йўқ. Менда унча пул йўқ. Ҳозирча 200 доллар бериб тураёй, қолганини кейин бераман! Қизча ҳар хил бегона кишиларни кўравериб чўчиб қолганини, Комилнинг қўлида турмай, типирчиларди. Комил: - Ҳозир, телефон қилиб олай, - деди-ю, ташқарига чиқди. Шундай қилиб "савдо-сотик" тугади. Хонага хуқуқ-тартибот органи ходимлари кириб келишганида Анатолийнинг оёғи қалтираб кетди. У тушган қорқон жуда мустаҳкам эканлигини англади. Шунда ҳам айбини тан олгиси келмади. Лекин, исбот, далил, гувоҳлар етарли эди. Белги қўйилган доллар, диктафон, воқеа жойида қўлга олиш... Хуллас, "бузқоннинг югургани сомонхонагача" деганларидек, одамфуршининг боран жойи қамқонча бўлди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-қисми, 3-моддасига кўра, айбдор деб топилган Анатолий Штефан 9 йилга озодликдан маҳрум этилди. Саида ЭШМАТОВА.

Миллий ўйинларимиз ҳар байрам мунтазам ўтказилади.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ООО "GEO PROEKT", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Хамзинского района за реестр. № 001741-07 от 26.03.2008г. (ИНН 300776387) ул. Паркентская, 30-В, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол уполномочителя № 2 от 10.03.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 387-89-67.

ООО "TELEA SAMO", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района за реестр. № 006194-08 от 30.07.2010г. (ИНН 301670962) ул. Ш. Исламова, 16, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол уполномочителя № 1 от 10.03.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 387-89-67.

ООО "SAIPA IMPEX", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусободского района г. Ташкента за реестр. № 003315-10 от 08.11.2007г. (ИНН 300611576), ЛИКВИДИРУЕТСЯ (в соответствии с решением уполномочителя № 2 от 17.03.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Юнусободский р-н, кв-л 19, д. 35, кв. 95. Тел.: 344-40-55.

ООО "TO'LAGAN HOJI OTA" сообщает об изменении названия организации на ООО "UKTOR INVEST TRADE" и об изменении юридического адреса с Шайхантахурского района ул. Мухомин, дом 42 на Чиланзарский район, 7-квартал, ул. Мухомий, дом 3-А.

Претензии принимаются по тел.: 468-42-50.

"NURONIYLAR OROMGONI" URUSH VA MEHNAT FAXRIYLARI UCHUN SANATORIYSI" ga Юнусобод хокимияти томонидан 10-01345 реестр тартиб рақамли, 2005 йил 28 мартда берилган 001345-солиги тўғрисида йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерьяное свидетельство о базовом образовании масового образца ОР-Е № 0136537, выданный в 2001 году школой № 244 Хамзинского района г. Ташкента на имя Трубицина Владимира Сергеевича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Шайхонхоҳур туманидаги 316-мактаб томонидан 2005-2006 ўқув йилида Раимова Нодира Рошановна номига берилган U 2290798 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "ROMBO MANAGEMENT" (ИНН 206934204), зарегистрированное хокимиятом Шайхантахурского района г. Ташкента за № 00473 от 04.10.2007г., ЛИКВИДИРУЕТСЯ (на основании решения учредителей № 1/03 от 01.03.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 140-00-20.

Частное предприятие "UMID-AKHOR FAYZ" (ИНН 205908022) извещает об утере устава и свидетельства о регистрации № 004548-04 от 17.03.2009г., выданное М. Улугбекским хокимиятом, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент шаҳар хокимининг ижроия маҳкамаси Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 2006 йил январ ойида берилган Шайхонхоҳур тумани, Усмон Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 5-ўй манзилида жойлашган "FAROVON-QURILISH SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"RG MASTER-LIZING" (ИНН 301292974, ОКОНХ 80300) масъулияти чекланган жамияти устав фондиди 120 000 000 сумдан 95 915 000,00 сумгача қайтаришини маълум қилади. Тел.: (99897) 331-27-07.

"AGMA LYUKS SERVIS" масъулияти чекланган жамияти "OMAD YILDIZ" масъулияти чекланган жамияти тартибга қўйиб олинди ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олди.

БОЛАЛАР СПОРТИ



ЧЕМПИОНЛАР КУРАШЛАРДА ТОБЛАНАДИ

Оҳангарон туманида кураш бўйича вилоят биринчилигининг худудий бешлашувлари бўлиб ўтди. Меъзбонлар ҳамда Ангрэн шаҳри ва Ўртачирчиқ туманларидан 60 нафар ёш полвонлар гиламга чиқишди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ)нинг кураш залида тўплаган ишқибозлар қизқарган мурасидиз бешлашувларнинг гувоҳи бўлдилар. Гарчи полвонлар эндигина 14-16 ёшда қарилган бўлсаларда, қадимий халқ курашининг ўзига хос техникасини пухта эгаллашга улгурган, ҳийла тажрибали полвонлардан ақалликлари бел олишувлар жараёнида яққол кўриниб турди. - Ҳозирги ёшларнинг нафақат кураш, умуман спортнинг бошқа оммавий турларига ҳам қизиқишлари бўлакча, - дейди БЎСМ директори Ҳасан Қорабоев. -

Бизда 500 дан зиёд бола ва ўсмирлар шуғулланишди. Олти спорт тури, жумладан, кураш, юнон-руми кураши, бокс, стол тенниси, футбол ва волейболдан хоҳлаганларини танлашлари мумкин. Тажрибали мураббийлар ёш ўғил-қизларга ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан мос келадиган спорт турини танлашлари ёрдам берадилар. Тўғри, уларнинг ҳаммалари ҳам профессионал спортчи бўлиб етишавермайди. Бироқ, спортга бир умрга ошно бўлиб, вақти-вақти билан шуғулланиб, соғлиқларини мустаҳкамлаб борадилар. Зеро "Соғлом авлод - юрт келажаги" деб

бежиз айтилмайди. Бу орада гиламда кураш кизигандан-кизиди. Болалар бирин-кетин бел олишиб, саккизта ваън тоифасида ким кучли эканлигини аниқлаб боришди. Кучлар тенг келиб, "зўр"ни аниқлашнинг иложи бўлмаганда эса, ҳакамлар ёрдамга келиб, қўшимча вақт белгилдилар. Пироваддида ҳакамлар курашчилар тўплаган балларни ҳисоблаб чиқиб, умумжамоа ҳисобида глобликни Оҳангарон тумани полвонларига беришни лозим топиди. Вилоят биринчилиги қатнашчилари фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди. СУРАТАА: мусобақа иштирокчилари. ЕРКЕБОЙ БОТИРОВ олган сурат.

"Dori vositalari va tibbiy buyumlar Siyosati Markazi" (ИНН 204004760), зарегистрированное в хокимияте Шайхантахурского района за № 09-000236 от 24.04.2002г., в связи с утерей гуюхнома, выданной государственными департаментом статистики г. Ташкента за № 00-028639 FN № 042264 и о государственной регистрации юридического лица реестр. № 09-000236 № 000236, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манъилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Жўра САБДУЛЛАЕВ Навбатчи Юлдузхон МУҲИДИНОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУҲЖАЕВ